

Маҳалла

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ НАШРИ

1996 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2013 ЙИЛ 9 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА №3 (863)

WWW.MAHALLAGZT.UZ

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН — «FAIR PLAY» СОВРИНИ СОҶИБИ

Президентимиз Ислom Каримов томонидан мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи



Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан 2012 йил якунлари бўйича турли номинациялар ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон футбол федерацияси «Fair Play» (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирланди.

Ушбу нуфузли мукофотнинг Ўзбекистонга топширилиши Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

Таъкидламоқ лозимки, бундай улкан ютуққа Ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Мазкур халқаро эътироф замирида узoқни кўзлаб олиб бoрилаётган oқилона сиёсат, изчил ва заҳматли меҳнат муҳассам.

Давлатимиз раҳбари Ислom Каримов томонидан футболни ривожлантиришга

қаратилаётган доимий эътибор ва ғам-хўрлик ўзининг юксак самараларини бермоқда. Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ тузилган Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканларини бунёд этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга ошириляётир.

> [4]

14 ЯНВАРЬ — БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРАДҲИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислom Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамoатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан тузилган Жамoатчилик кенгаши мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқ-ошкоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлашга, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, армия сафларига хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиши алоҳида белгиланган.



Жамoатчилик кенгаши Низомида ушбу кенгаш ўз фаолиятини жамoатчилик асосида олиб борадиган, маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлган орган сифатида қайд этилган. Унинг асосий вазифалари жумласига мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб бoриляётган давлат сиёсати ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қиладиган энг долзарб масалаларга оид жамoатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг муайян тизимга солинган мониторингини ташкиллаштириб, ҳар то-

монлама таҳлил қилиб бoриш, жамoатчилик уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан Мудофаа вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъминлаш; ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳиҳатдан муҳофаза қилиш, уй-жой билан таъминлаш, тиббий таъминотини, яшаш ва хизмат ўташининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларининг ижросини комплекс равишда таҳлил қилиб, уларнинг амалга оширилиши устидан жамoатчилик назоратини олиб бoриш кабилар қиради.

Шунингдек, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид, шу жумладан, мудофаа идораларининг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа турдаги расмий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, жамoатчилик томонидан муҳокамасини ташкиллаштириш масалаларида давлат сири муҳофазасига доир қонун ҳужжатларига амал қилинган тарзда Мудофаа вазирлигига яқиндан ёрдам бериш ҳам кенгаш зиммасида. Кенгаш фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақириш, шартнома бўйича ҳарбий хизматга белгилаш, сафарбарлик қақируви резерви хизмати-га олиш тадбирларини ташкиллаштиришда бош-қoш бўлади.

> [2]

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

ҲАР СОҲАДА БУНЁДҚОРЛИК КАСБ ЭТГАН

Аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, халқ фаровонлигини таъминлаш ҳамда республикамиз иқтисодий салоҳиятини ошириш борасида юртимизда улкан ишлар амалга ошириляётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони ана шу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга молик.

Махсус индустриал зонанинг барпо этилиши юқoри қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароит яратди.

Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш-жойлари ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида барпо этиляётган мазкур ҳудудда ўтган Мустаҳкам оила йилида талай диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, индустриал зона ҳудудида умумий қиймати 185,8 миллион АҚШ доллари бўлган саккизта лoйиҳа устида иш



олиб бoришга киришилди. Лoйиҳалар oзиқ-ovқат саноати, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш, металлургия ва электр техникаси соҳаларида жорий этиляётир.

Бинобарин, энг йирик лoйиҳалардан бири қиймати 108,5 млн. доллар и янги шакар заводининг қурилишидир. Суткасига минг тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод қурилиши «Ангрен шакар» МЧЖ

> [3]

МАҲАЛЛА: БУГҮН ВА ЭРТАГА

ЭЗГУЛИККА ОШЁН МАСКАН

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ушбу институтни жамият сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қудратли бунёдқорлик салоҳиятига эга бўлган ижтимоий ўзини ўзи бошқаришининг муҳим бўгини сифатида қучайтириш борасида тизимли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада бугун жамият ва давлат қурилиши тизимида маҳалланинг роли ва аҳамияти тобора ўсиб бормоқда.

Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, айни пайтда маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва oilавий бизнесни ривожлантириш марказига айланиб, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамoатчилик назорати олиб бoриш борасидаги ваколати тобора кенгаймоқда.

— Маҳаллага «демократия дарс-хонаси» деган таъриф берилган, — дейди Навoий шаҳридаги «Бунёдқор» маҳалла фуқаролар йигини раиси Музаффар Уроқов. — Бу таърифда катта

мазмун-моҳият муҳассам. Чунки бугун маҳалла халқ билан ҳамнафас яшайши, фуқароларнинг қувончу даридан хабардор, муаммоларни ечишда ишончли таянч бўлиши лoзим. Биз аҳоли орасига қанчалик кириб бoрсак, яхши-ёмон кунларида уларга суянч бўлсак, маҳалланинг нуфузи шунчалик ортади.

Сувҳатимиз асносида оқсоқолнинг қўл телефони жиринглади. Маълум бўлишича, ҳудуддаги Садриддин Ай-ни кўчаси 93-уй биносининг сув қувурларида авария ҳолати юзга келган экан. Маҳалла раиси тезкорлик билан коммунал хизмат кўрсатиш тармоғига кўнгироқ қилиб, воқеа жойига шошилди. Раис биздан узр сўраб, тез-

> [2]

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШМОҚДА?

ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВ КОМПАНИЯЛАРИ:

ҚУЛАЙ, ТЕЗҚОР ВА СИФАТЛИ

Тун яримдан oққанда кўпқа-ватли уй ертўласидан қарсиллаган товушлар эшитилди. Кўп ўтмай хонадонларда ҳарoрат пaсайди. Биринчи қаватда яшовчи Абдумутал отанинг кўнгли нима-нидир сездими, кийиниб йўлакка чиқди. Юқoри қаватда турадиган йўлак бошлигининг эшигидаги кўнгироқ тугмасини бoсди. Хаял ўтмай уй соҳиби Ғулом aka елкасига тўнини ташлаб чиқди.

— Ассалому алайкум, Абду-мутал ота. Келинг, тинчликми? — Ваалайкум ассалом. Бема-

ҳалда тинчингизни бузганим учун узр, Ғуломбой. Ертўлада нима-дир рўй берганга ўхшайди. Сув-нинг шариллаб oқаётгани эши-тиляпти.

— Ҳoзир биламиз, — йўлак-боши шундай дея елкасига oмонат илган тўнини кийиб йўлга тушди. Йўл-йўлакай ертўла ва чор-доқнинг калитлари чўнтагидами-йўқлигини текшириб кўрди.

Улар ертўла эшигини очиб, чи-роқни ёқишганида иссиқ сув қувуридан oқаётган сув салкам тизза бўйи бўлиб қоланди. Қувур

юқoри бoсимга дош бера oлма-ган экан. «Нима қилмоқ керак?» Дaфъатан миясига келган бу фикр-дан Ғулом аканинг пешонаси ти-ришиди. Ширкатга кўнгироқ қил-гани билан кунда-шунда «байрам кайфияти»да юрадиган навбатчи сантехники ё топади, ё йўқ. У ҳеч иккиланмай қўшин маҳалла-даги кўпқаватли уйларга хизмат кўрсатадиган бошқарувчи компа-ния директориға сим қоқиб, ва-зиратни тушунтирди. Зум ўтмай oс-тонада икки сантехник йигит кўринди. Улар авария ҳолатини

зудлик билан бартараф этишиб, ертўлада йигилиб қолган сувни электр насос ёрдамида ташқари-га чиқариб ташлашди...

Тошкент шаҳрининг барча ту-манларида жами 9155 та кўпқа-ватли турар-жой мавжуд. Улар асосида 2327 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (ХУЖМШ) ташкил этилган. Фаолият юритиб келаётган ширкатларнинг 875 таси таркиби битта уйдан иборатдир. Кўпқаватли уйда яшовчи-лар учун қулай ва муносиб ша-роит яратиб бериш ширкатлар-

нинг бевосита мажбурияти ҳисoб-ланади. Боиси, нотижoрат ташки-лоти ҳисoбланган бу тузилмалар хусусий уй-жой мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этила-ди ҳамда ўзини ўзи бошқаришга асосланган низомга мувофиқ иш юритади. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкат-лари тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади.

> [3]



РЕСПУБЛИКАМИЗ

МАҲАЛЛАЛАРИДА

НАВОИЙ

Мамлакатимизда келажак эгалари бўлган ўғил-қизларнинг жисмонан ва маънан етук бўлиб улғайиши учун барча ҳудудларда муҳташам болалар спортни иншоотлари бунёд этилмоқда. Вилoятда ҳам бу бoрада олиб бoрилган бунёдқорлик ишлари натижасида 2003-2012 йилларда 69 та болалар спортни иншооти фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг аксарияти умумтаълим мактаблари қошида қурилгани эътиборга лoйиқ. Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларида ҳамда дарсдан бўш вақтларида спорт билан шугулланиши учун яратилган бундай имконият уларнинг соғлом бўлиб улғайишларига хизмат қиляётир.

СУРХОНДАРЁ

Термиз шаҳрида қандoлатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисoслaшган янги корхoна фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги бўш турган бино негизида замонавий хoриж технологияси билан жиҳoзланган қандoлатчилик фабрикасининг ишга туширилиши натижасида 20 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

Якунланган йилда вилoятда юздан oртиқ лoйиҳа амалга оширилиб, oзиқ-ovқат ва ноoзиқ-ovқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда мебeль ишлаб чиқариш, аҳолиға турли хизматлар кўрсатиши йўлга қўйилди. Янги қувватларнинг ишга туширилиши натижасида бир ярим мингта яқин янги иш ўринлари яратилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

2010 йилда вилoятда намунавий лoйиҳа асосида 635 та уй-жoй бунёд этилган бўлса, 2011 йили 680 та уй фойдаланишга топширилди. 2013 йилда 1050 та турар-жoй қуриш мўлжалланмоқда. Жумладан, Зангиoта туманидаги «Ҳасанбой», «Ўртаoвул», «Кўксарoй» ва «Эркин» қишлоқ фуқаролар йигинларига қарашли майдонларда 128 та уй-жoй бунёд этилади. Ҳoзиргача ўнлаб фуқаролар ана шундай янги уй-жoйлар учун «Қишлоқ қурилиш банк»нинг «Қурилишга бошлангич бадал» oмонaтиға уч миллиард сўмдан oртиқ маблағ қўйди.

ФАРФОНА

Мамлакатимизда санъатнинг барча турлари қатори мусиқа санъати кенг ривожлантириш, ўсиб келяётган ёш авлодни юксак маънавиятли, баркамол инсонлар этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Маргилон шаҳрида бунёд этилган 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби ёшларга муносиб туҳфа бўлди. Бу ерда 150 нафардан зиёд ўғил-қиз халқ чолгулари, анъанавий ижрочилик, фортепьяно, торли чолгулар каби қатор йўналишлар бўйича билим oлмоқда.

> [1]

14 ЯНВАРЬ — БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРАДИ



< 1 >

Шу билан бир қаторда, бўлинма ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, қўнийлик, ҳуқуқий тартибот, юксак ахлоқ ва маданият сақланишини таъминлаш соҳасида Мудофаа вазирлиги томонидан олиб борилаётган фаолият самарасини ошириш масалаларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда кенгаш аъзолари жонбозлик кўрсатади.

Кенгаш Мудофаа вазирлиги, соҳага дахлдор давлат идоралари ва жамоатчилик уюшмалари билан биргаликда қақирувга тайёрланаётган ўспиринлар ва ҳарбий хизматчилар билан тарбиявий, маънавий-руҳий ва маънавий-маърифий тайёргарлик олиб борилишини ташкиллаштириш, уларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини, атрофда рўй бераётган ҳодисаларга шахсан дахлдорлик ҳиссини, юксак маънавий ва маънавий-ахлоқий сифатларини, фаол ҳаётини позицияларини, ватанпарварлик, Ватан тақдири, унинг муҳаббатлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш учун шахсий масъулият билан яшаш ҳиссини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Миллий ва халқаро омивий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда олиб борилаётган ҳарбий қурилиш масалалари, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар, юрт

хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларнинг дахлсизлигини таъминлаш масалаларига доир самарали тушунтириш ишлари ва маърифий ишлар режасини ишлаб чиқиш, муайян тизим асосида амалга ошириб бориш кабилар ҳам Жамоатчилик кенгаши зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган вазифаларга мувофиқ Жамоатчилик кенгаши томонидан талайгина ишлар олиб борилиши кўзда тутилаётган. Жумладан, фуқаролар, жамоатчилик уюшмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати ва оид ташаббус ва муносабатларини ўрганиб чиқиш, ҳаётга таъбиқ этишга доир таклифларни Мудофаа вазирлигига мунтазам равишда тақдим этиш йўлга қўйилади.

Мудофаа вазирлиги билан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа турдаги институтлари орасида ўрнатилган ҳамкорлик шакллари ва усуллари ташкиллаштириш, уларнинг ўз фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боради ва ушбу масалаларни тақомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади. Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг атрофича ўрганилишини

ташкиллаштириш, бундай ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ва жамоатчилик томонидан муҳокама қилинишида Жамоатчилик кенгаши фаол иштирок этади.

Қақирувга тайёрланаётган ўспиринлар ва ҳарбий хизматчилар билан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ва маънавий-маърифий тайёргарликка бағишланган илмий-маърифий ва ўқув-услубий адабиётлар тайёрлаш ва уларни тақомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш доимий равишда диққат марказида бўлади. Бундай ўспиринлар орасида кенг қўламли тарбиявий, маънавий-маърифий ва ҳарбий-спорт тадбирларини ўтказишга доир услубий тавсиялар ҳозирлаш ҳам фаолиятнинг муҳим бир йўналишларидан.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилишга доир, муайян тизимга солиниб амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ҳақида, шу жумладан, республика Қуролли Кучлари Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги, суверенитети ва мустақиллигига нисбатан юзага келган ҳар қандай хавф ва таҳдидларни бартараф этишга шай эканлиги ҳақида республика аҳолиси ва чет эл жамоатчилиги мунтазам хабардор қилиб борилади.

Ҳарбий хизматга қақиритиш, ҳарбий хизматни ўташ, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазасига оид масалалар бўйича ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари орасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини ташкиллаштириш борасида заъий-ҳаракат кўрсатилади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қақирувга қақар тайёргарлигини олиб бориш, қўйинлар ва жамиятимизда янги ҳарбий аъналар шакллантирилиб, тарғиб қилинишига бағишланган республика илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялари, давра суҳбатлари, семинарлар тайёрланиб, ўтказилишига оид масалаларни мувофиқлаштириш ҳам Жамоатчилик кенгаши зиммасида. Бунда кенгаш фаолияти ҳақида мамлакатимиз аҳолисини омивий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб борилишини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Жамоатчилик кенгаши бир қатор давлат идоралари ва бошқа турдаги ташкилотларга расмий сўровлар йўлаб, вазифалари до

ирасига тааллуқли меъёрий, статистикага оид ва таҳлил мазмундаги зарурий маълумотлар олиниши мумкин. Давлат идоралари ва ҳўжалик юритиш идораларида фаолият юритадиган экспертлар ва соҳа мутахассисларини, илмий-тадқиқот марказларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилар, олимлар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг ўқитувчиларини заруратга қўра фаолиятига жалб этиб боради. Кенгаш ваколатига қирадиган вазифаларни ҳал этиш учун жамоатчилик комиссияларини тузади. Унинг фаоллари Мудофаа вазирлиги Ҳарбий коллегияси ва ҳарбий округлар ҳарбий кенгашларининг йиғилишлари, Қуролли Кучлар раҳбариятининг хизмат мажлислари ва шу қаби бошқа тадбирларда мудофаа вазири билан мувофиқлаштирилган тарзда иштирок этади. Кенгаш ҳарбий хизматга қақиритиш лозим бўлган, ҳарбий хизмат ўтаётган, Қуролли Кучлар резервидида, ҳарбий йиғинга қақиритилган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган фуқаролар ва оила аъзоларининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнийли манфаатларига амал қилинаётганини ўрганиш билан бирга, ҳарбий хизматчилар ва сафарбарлик қақиритиш резерв хизматчилари учун яратилган хизмат ўташ, яшаш шароитлари, маъийий таъминот ҳолати билан танишиб боради.

Бундан ташқари, жамоатчилик Кенгаши Вазирлик ва идоралар раҳбарларига ваколатига қирадиган масалалар бўйича таклифлар киритиш, зиммасига юкланган вазифаларни ҳал этиш учун конференциялар, ёшлар форумлари, семинарлар, давра суҳбатлари ва шу қаби бошқа тадбирларни уюштиради. Шунингдек, жамоатчилик уюшмалари, ижодий ҳамаолар, фан, маданият ва санъат арбобларини кенг жалб этган ҳолда аҳоли ва ҳарбий хизматчилик орасида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилишини ташкиллаштириб, иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга.

Жамоатчилик кенгаши ўз таркибига 28 нафар аъзони бирлаштирган. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қўнийчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, атоқли олим ва ижодкорлар, маданият ҳамада санъат намоянда

лари бор. Жамоатчилик кенгашининг низомидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, беш йўналиш бўйича комиссиялар ташкил этилди.

Масалан, комиссиялардан бири мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид масалалар юзасидан жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар мониторингини олиб боради ва қўқур таҳлил этади. Яна бир комиссия соҳага тааллуқли айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши. Учунчи бир комиссия эса, ҳарбий хизматчилар ва захирага бўшатилган фуқароларни, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофиза қилиш масалалари билан шуғулланади. Тўртинчи ва бешинчи комиссиялар маънавий-маърифий, ҳарбий спорт тадбирларини ташкил қилиш, омивий ахборот воситаларида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини кенг ёритиш, миллий армиямиз обрў-эътиборини янада юксалтириш борасидаги ишларни амалга оширади.

Жамоатчилик кенгаши ҳозирда Президентимизнинг 2012 йил 14 ноябрдаги «Ватан ҳимоячилари кўни байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори йиғини асосида яқинда нишонланадиган байрамга қатта тайёргарлик кўрмоқда. Мамлакатимизнинг барча жойларида тантана билан нишонланадиган байрам тадбирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол қўғларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўйиши, миллий армиямиз сафарларида хизмат қилиш иштиёқини янада қўчайтириши шўбҳасиздир.

Кодир ЖўРАЕВ,
Мудофаа вазирлиги хўзуридаги Жамоатчилик кенгашининг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрларини таҳлил этиш ва Мудофаа вазирлигининг қақиритилувлари ва ҳарбий хизмат соҳасидаги фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш комиссияси раиси.

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

ЭЗГУЛИККА ОШЁН МАСКАН

< 1 >

Маҳаллани айланиб, бу ердаги ҳаёт билан танишар эканмиз, эшитганларимизнинг айни ҳақиқат эканлигига амин бўлдик. Уй олди ва йўлакларнинг чинидек тозаллиги, тартиб билан ўтказилган қўчлар қиш бўлишига қарамай киши руҳиятига илиқлик бағишлайди. Қиз-жувонларга хўнар ўргатиш мақсадида ташкил этилган зардўзлик тўғараги эса мактаб ўқувчиларининг таътил кўнларида янада гавжум.

Мустаҳкам оила йилида маҳалладаги 11 нафар хотин-қиз тикувчилик-тўқувчилик ишларига жалб қилинган бўлса, 45 нафар аёл «Қизилқумсаҳоват» мевани қайта ишлаш заводида ишга жойлаштирилди.

Тўрт минг нафардан зиёд аҳолининг бошини қўшиб, эл эътирофига сазовор бўлаётган маҳалланинг ютуқлари қўп. 2012 йилда ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик танловининг Навоий вилояти босқичида «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғини фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Маслаҳатчи М.Ҳайитова эса «Энг намунали маҳалла фуқаролар йиғинлари»нинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг шаҳар босқичида 30 нафар маслаҳатчи орасида тенгсизлигини намойён этди.

Маҳаллада фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки демократик ривожланган давлат қўриш жараёнида бу жуда муҳимдир.

— Қўп ҳолларда фуқаролар қўнийчиликни билмасликлари боис ҳуқуқбузарликлар содир этишади, — дея суҳбатни давом эттиради маҳалла раиси. — Жўноятчиликнинг олдини олишда

ҳуқуқий маданият тарғиботи энг таъсирчан омилдир. Шаҳар ИИБ, прокуратура, вилоят адлия бошқармаси ҳамада «Қамолот» ЁИХ шаҳар бўлими билан ҳамкорликда мунтазам равишда «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Бўрч ва ҳуқуқ», «Ҳуқуқий саводхонлик сари», «Одам савдоси қўрбони бўлмаган!» мавзуларида учрашув-мулоқотлар ўтказиб келяпмиз. Шўқри, кейинги икки йилда маҳалламизда нотинч оилалар рўйхатга олинмади, маҳалладошларимиз томонидан биронта ҳам жўноят содир этилмади.

Навоий тиббиёт касб-хўнар коллежининг шу ҳудудда жойлашгани оқсоқолнинг коллеж маъмурияти билан келишувига асосан таълим даргоҳи спорт залидан маҳаллада истиқомат қилувчилар ҳам кенг фойдаланаётгани бунёдкорликларнинг омади, десак муболаға бўлмайди. Бу ерда қиз келинчалар аэробика машқларини бажаришса, ёш қизалоқлар бадий гимнастика сирларини ўрганишга, спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш учун ҳам барча шароит мўжай.

«Бунёдкор»даги яна бир ибратли жиҳат эътиборимизни тортиди. Мустаҳкам оила йилида таъмирдан чиқарилган маҳалла биносининг ҳар бир хонаси зарур жиҳозлар билан таъминланган. Жавонларда меъёрий ҳўжатлар, керакли адабиётлар, матбуот нашрлари тақамлари тартиб билан терилган. Деворларда буюк алломлаларнинг ҳикматли фикрлари битилган пешлавалар илгнган.

Ободлик кўнгилдан бошлангани қаби Ватаннинг остонаси маҳалладир. Қалбларимиздаги Ватанга муҳаббат туйғўси ҳам, даставвал, ўз уйимизу маҳалламизда шаклланади.

Холбиби САФАРОВА

«Mahalla»

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

ҚИШЛОҚЛАРДА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Бугун Чироқчи туманидаги Уймуовт кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда одамларнинг ҳаётга муносабати, турмуш маданияти тўдан ўзгарган.



Аваллари кишилар молхона билан ҳовли-жойни бир-биридан ажратиш бўлмайдиган, пасткам, лойсувоқ уйларида истиқомат қилган бўлишса, эндиликда гишдан ҳашаматли турар жойлар қўрилиб, қўчалар шаҳар қўчаларидек қиёфа касб этмоқда. Ҳар бир хонадоннинг ҳаммоми, минг дардага даво қўқатлар етиштирадиган иссиқ-хонаси бор. Энг муҳими, одамлар ўзи ҳақида қайғурадиган, яхши яшашига интиладиган бўлиши. Натижада турли юқумли касалликлар, ҳатто шамоллаш ҳам қамдан-қам учрайди.

Бундан 25-30 йиллар олдин 35-40 тагача болалар ўлими ҳисобга олинарди, — дейди кишлоқ врачлик пункти бош шифокори Сувло Қодиров. — Бугунги кўнга келиб аҳоли сонининг ўсишига қарамай, бундай ҳолат қайд этилмапти. Чўки соҳада амалга оширилган тўб ислохотлар боис, аҳолининг тиббий маданияти ҳам юқалиб борапти. Врачлик пунктимиз «Саломатлик—2» лойиҳаси асосида энг сўнгги русумдаги замонавий тиббиёт ўқуналар билан жиҳозланган. Хўсусан, лаборатория ва акушер-гинекология асбоблари, физиотерапия инвентарлари билан таъминланди.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган шифокорлар Тошкент шаҳридаги врачлар малакасини ошириш институтига таҳсил олиб, умумий амалиёт курсини ўтаб келишди. Хўллас, ҚВПда аҳолига малакали тиббий хизмат қўғратиш учун барча шарт-шароитлар мўжай. Врачлик пункти 3 та кишлоққа, қарийб 10 минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатади. Бир вақтлар аҳоли 5 километр масофани босиб, олдий ташхис қўғдириш учун ҳам туман марказига қатнаган бўлса, энди бунга ҳожат қолмади. Ҳатто мураккаб биохимик текширувлар ҳам кишлоқ врачлик пунктнинг ўзида амалга оширилмоқда.

Жамшид БЕК

«Mahalla»

МУРУВВАТ

ҚУЛОЧ ЁЗГАН ТАШАББУС

Бемор ҳолидан хабар олиш, муҳтожлар ёрдам кўрсатиш, кексаларнинг дуосига мушарраф бўлиш азалий қадриятларимиздан саналади. Бугунги кўнда ана шундай эзгу амалларга маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бош-қош бўлаётган.

Бўнга Янги йил байрами арафасида Самарқанд шаҳридаги «Богимайдон» маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорлар томонидан кам таъминланган ўн саккизта оилага совғалар улашилгани ҳам мисол бўлади.

Мазкур маҳаллада кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш яхши аънамага айланган. Айниқса, байрамлар арафасида меҳрга ташна кишиларнинг уйига бориб, совғалар улашиб, икки оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтартишни ҳар бир маҳалладор ўзининг бурчи, деб билади.

— Маҳалламизда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб туришга доимо ҳаракат қилимиз, — дейди йиғин раиси Мирзо Саидмуродов. — Шундай пайтларда фуқаролар йиғини билан яқиндан ҳамкорлиқни йўлга қўйган савоҳатпеша тадбиркор ва ишбилармонларнинг ўзлари ёки уларнинг вакиллари ёнимизда туришади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳўмийлик қилаётган бу ёлпарвар кишиларнинг кўрсатаётган ёрдамлари аниқ ва манзиллидир. Бу эса, келгусидаги фаолиятимизнинг самарасини таъминлаб, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайди.

Маҳаллада бағрикенг, меҳрга муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзишга шай тадбиркорлар сафида Ҳўжжирбон Зўбайдов, Тўхир Ашуров, Мўхсин Ҳақимов, Шўҳрат Ҳақимов ва бошқалар бор.

Янги йил арафасида хўсуий тадбиркор Шўҳрат Ҳақимов эҳтиёжманд оилаларга совға улаштиш ташаббуси билан чиқанди. Унинг таклифи йиғин фаоллари томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада ушбу хайрия тадбири доирасида ўн саккизта оила Обод турмуш йилини тўқин дастурхон атрофида кўтиб олди.

— «Қўли очкининг — йўли очик», деган нақл бор, — дейди Ш.Ҳақимов. — Шу сабабли тадбиркорлик йўли билан ортгирган маблағимиздан эҳтиёжманд маҳалладошларимга ёрдам беришни ўз бурчим деб биламан.

Дарҳақиқат, савоҳатпешалигу меҳр-муҳаббат юрт ободлиги ва ўзаро тотувликнинг муҳим шартларидандир.

Нурилла ЧОРИЕВ

«Mahalla»

ОИЛА—МАҲАЛЛА—ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

ТАРБИЯГА БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛДИР

Маънан ва жисмонан етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсон, аввало, оила бағрида туғилиб, вояга етади, унинг қалбида энг эзгу инсоний қасиқлар маҳаллада шаклланади. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида қамолга етказиш, иқтидорларини тўла намойён этишларига қўмаклашиш борасида Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларида муайян ишлар амалга оширилмоқда.



Таъкидлаш жоизки, баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга доир услубий қўлланмалар тайёрланган.

Халқ таълими бўлимлари, Ўрта-маҳсус касб-хўнар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларида «Бола тарбияси — келажак меваси», «Илм ол, хўнар ўрган», «Танлаган касбинг — сенинг келажакинг» ҳамада «Етук мутахассис — келажак меваси» мавзуларида оталар мажлиси

ўтказилмоқда. Бу борада Наманган вилоятида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Бугунги кўнда Наманган вилоятидаги барча касб-хўнар коллежлари ва умумтаълим мактабларида 13 мингдан ортқ «Ораста қизлар» тўғарақлари ташкил этилган, — дейди вилоят ҳўкимлигининг хотин-қизлар масалалари қотибияти мудир Хўлола Юсупова. — Қизларни турмушга тайёрлаш, ёшларда шахсий гигиеник қоидаларни тўғри шакллантириш, айнқса, қизлар ўртасида балогатга етмасдан турмуш қуришининг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги ҳақида кенг тушунча бериш мақсадида ташкил этилган бундай тўғарақларга вилоят бўйича 200 минг нафардан ортқ қиз жалб этилди. Ҳозирги кўнда бу тизимни маҳаллаларга ҳам таъбиқ этган ҳолда, ораста қизлар орқали маҳаллалар, хонадонлар йўлакларини, қўчаларни тоза-озода сақлашга эътибор қаратилмоқда.

Наманган шаҳридаги педагогика коллежи вилоятнинг нуфузли таълим даргоҳларидан 2500 нафарга яқин ёш таълим-тарбия оладиган бу масканда бўлғўси муаллимларни касбга йўналтириш билан бирга оила қуришга тайёрлаш ҳам эътиборда. Айниқса, дарсдан бўш вақтларида талабаларнинг деярли асосий қисми қизиқишларига қараб шу ерининг ўзидаги тўғарақларга қатнайди.

— Талабаларимизнинг 1736 нафар қизлар. Биз, айниқса, уларнинг таълим-тарбиясига, юриш-туришига, маънавиятига эътибор қаратганимиз, — дейди биз билан суҳбатда коллеж дирек

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВ КОМПАНИЯЛАРИ: ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ



< 1

Тан олиш керак, айрим ХУЖМШлар зарур мутахассисларни доимий ишга жалб қилишда маблаг етишмаслигидан ёхуд бошқа важлар билан уйларни рисоладагидек сақлаш, уларга сифатли хизмат кўрсатишда муаммоларга дуч келади. Бу эса, ўз навбатида, профессионал бошқарув компаниялари ташкил этиш заруратини тўғдиради. Ана шу эҳтиёж инobatта олинб, «Тошкент шаҳар аҳолиси-га уй-жой коммунал хизматлар кўрсатилишида янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида бошқарув компанияларини ташкил этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури» ишлаб чиқилди.

Этиборли жиҳати шундаки, қисқа муддатда 1021 та хусусий

уй-жой мулкдорлари ширкатига 185 та бошқарув ва сервис компаниясининг шартнома асосида хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди. Ана шулардан 27 таси янгидан ташкил этилган.

— «Ўзғариш» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 45 та 9 қаватли уй негизда ташкил этилган 7 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига хизмат кўрсатилган, дейди Сергели туманидаги фаолиятини бундан икки ой олдин бошлаган «Келажаги порлоқ сервис» профессионал бошқарув компанияси директори Мамадали Бобоқулов. — Чилангар, сантехник, пайвандчи, электрик каби мутахассислардан иборат 22 кишилик жамоамиз бор. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида лизинг асосида «Дамас» автомашинаси

ҳамда банкдан 30 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит оля-миз. Эндиликда истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаб, шунингдек, лифт хизмати кўрсатиш-ни ҳам йўлга қўйяпмиз.

Ўтган йили пойтахтимизда 27 та профессионал бошқарув компанияси ташкил этилди. Тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда барча ширкатларга аҳолининг фойдаланиш харажатларидан мажхуд қарздорлигини кескин камайтириш ҳамда ширкатларнинг молиявий аҳолини яхшилаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ишлари давом эттириляётир.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тошкент шаҳри иқтисодиёти тармоқларини 2012-2013 йиллар қўз-қич мавсумига тайёргаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, мавжуд кўпқаватли уйлар мавсумга ҳозирланди. Режадаги 300 та муаммоли кўпқаватли уйнинг муҳандислик тармоқлари мукамал таъмирдан чиқарилди.

Кўпқаватли уйларнинг барчасида иссиқлик тизимлари профилла-ктик кўриқдан ўтказилди, 1768,9 минг квадрат метр том қисмининг 823,4 минг квадрат метри мукамал ҳамда 945,5 минг квадрат метри жорий таъмирланди. Бундан ташқари, 570 та кўпқаватли уйнинг фасад қисми, 5990 та кириш йўла-ги жорий таъмирдан чиқарилди, 779 та кириш йўла-гига темир эшиклар ўрнатилди.

— Биз беш қаватли 20 та уйни қамраб олган тўртта хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига хизмат кўрсатамиз, — дейди Мирзо Улугбек туманидаги «Сатун бур-жи» профессионал бошқарув компанияси директори Элшан Азизов. — Беш йилдан бери фаолият юри-тиб келаятган бўлсақ, ҳали иш-миз бўйича ҳеч қандай шикоят тушгани йўқ. Ўтган йили уйларнинг томини, олд қисми ва кириш йўлакларини таъмирладик, ён то-

монларини совуқ ўтказмайдиган материаллар билан қопладик. Ма-лакали мутахассислар меҳнат қилаётган компаниямиз электр қайвандлаш аппаратлари, ертўла-лардан сувни тортиб чиқарадиган насослар, компрессор, турли ас-боблар тўплами, автотранспорт ва трактордан иборат катта моддий-техника базасига эга. Яқинда ли-зинг асосида «Дамас» автомоби-ли харид қилиш ниятидамиз. Бу эса, тўсатдан юз берадиган носоз-ликлар ва аварияларни тезкор бар-тараф этишда қўл келади. Бундан ташқари, кредит ҳисобига хизмат кўрсатилаётган уйларнинг томини замонавий, мустаҳкам материал билан қоплаш учун полиизол со-тиб олмақчимиз.

Бинобарин, кўпқаватли уйларда рўй берадиган авария ҳолатларини тезкор бартараф қилиш, уй-жойдан фойдаланиш сифатини яхшилаш мақсадида Чилонзор туманида таш-кил қилинган «056» авария-диспет-черлик хизмати фаолияти ўзини тўла оқлади. Шу боис, жорий йилда ана шундай кўринишдаги хизматлар барча туманларда ташкил қилина-ди. Айни пайтда туманларда авария-диспетчерлик хизматларини ташкил этиш, базаларини қуриш ишлари олиб бориляётир. Уларнинг фаоли-ятини йўлга қўйиш мақсадида ҳозир-ча 9 та «Дамас» русумидаги авто-машина акратилди.

— Бир уй негизда ташкил этил-ган ҳамда бошқа кичик ширкатлар-га қулайлик яратиш мақсадида улар-га шартномалар асосида имтиёзли авария-диспетчерлик ва транспорт хизматларини кўрсатиш, кўпқаватли уйларнинг ички муҳандислик тизим-лари ҳамда томларини жорий ва му-камал таъмирлаш, сув босган ертў-лапарни ёритиш тизимини тиклаган ҳолда қуришти бўйича уюшма та-паниш директори Элшан Азизов. — Беш йилдан бери фаолият юри-тиб келаятган бўлсақ, ҳали иш-миз бўйича ҳеч қандай шикоят тушгани йўқ. Ўтган йили уйларнинг томини, олд қисми ва кириш йўлакларини таъмирладик, ён то-

лан таъминланди. Миробод тумани-даги 5 та маҳаллада профессионал бошқарув компаниялари ташкил қилиниб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бу йўна-лишдаги ишлар Обод турмуш йили-да изчил давом эттирилади. Туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда яна 83 та янги профессионал бошқ-арув компаниясини ташкил этиш кўзда тутилишири.

Дарҳақиқат, профессионал бошқарув компаниялари ўз фао-лиятини ошқорча амалга оширмоқ-да. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари то-монидан жамоатчилик назорати-нинг ўрнатилганини қўл келаятир. Жумладан, уй эгалари бошқарув компаниялари томонидан амалга оширилаётган ишлар ва тўланаёт-ган тўловлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари мумкин. Компани-яда кўрсатиладиган хизматнинг аниқ баҳоси олдиндан келишиб олинади, ҳар бир уй учун алоҳида ҳисоб-китоб юрийтилади, ҳар чорак-да ширкат бошқаруви-га батафсил ҳисобот тақдим этилади.

Ислом Каримовнинг 2010 йил 24 декабр-да имзоланган «Ўзбекистон Рес-публикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети па-раметрлари тўғрисида»ги қарори-га мувофиқ, профессионал бошқар-ув компаниялари 2014 йилгача ягона ижтимоий тўловлардан ташқари солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилган. Бу имти-ёзлар уларнинг самарадорлигини оширишда қўл келаятир.

Бир сўз билан айтганда, ян-гидан-янги профессионал бошқар-ув компанияларининг ташкил этилаётгани ҳамда улар ўртасида юзага келаятган соғлом рақобат муҳити коммунал хизматлар си-фатининг яхшиланишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Норали ОЧИЛОВ

«Mahalla»

ЯНГИЛИКЛАР

«GM Uzbekistan» муваффақияти




«GM Uzbekistan» Ўзбе-кистон — Америка ҚҚ ЁАЖ 2012 йил ноябрь ойида Қозоғистонда 978 та ав-томобилни сотишга му-ваффақ бўлди.

Ўзбекистонда «UnionPay» тизими ривожланишида янги бурилиш



«Ипак Йўли» ОАИТБ «China UnionPay» халқаро тўлов тизимининг шўъба корхонаси бўлган «UnionPay International» компанияси-нинг асосчи-аъзосига ай-ланди.

Телеканаллар онлайн тизимида



2012 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сай-тида 7 та каналнинг онлайн узатилиши йўлга қўйилди.

Ушбу хизмат олдин ҳам мавжуд эди. Бироқ эштиришлар тўлиқ бўлмади, шовқин билан бирга кечарди. Янги йил-

2011 йилнинг шу даврида ушбу кўрсаткич 359 тани ташкил этганди. Бу ҳақда «Qncerto» консалтинг компания-сининг ҳисоботида айтилади.

Ўзбек корхонасининг Қозоғистонда-ги савдолари ўсиш ҳажми 72,42 фоиз-ни ташкил этди. Ўзбек маркаси ва «Toyota» ҳамда учталиқка кирган яна бир бренд орасидаги фарқ ошди, дея қайд этади «Qncerto». «GM Uzbekistan» Қозо-ғистонда ноябрь ойидаги савдолар ҳажми бўйича «Lada»дан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган «Nexia» автомобили ноябрь ойида Қозоғистонда энг кўп сотиладиган ма-шиналар орасида тўртинчи ўринни эгал-лади (2012 йил октябрида 3-ўрин). «Mazd» автомобили эса, ҳисобот дав-рида бестселлерлар орасида еттинчи ўринга кўтарилди.

Компания вакиллари ўтган йил март ойида Ўзбекистонда бўлиб, таширф яку-нида мамлакатда расмий ваколатхона очиш ниятини билдиришганди.

«Ипак Йўли» банкнинг «UnionPay International»га таклиф этилиши мамла-катда эквайрингнинг ривожланишига ҳамда «UnionPay» карталарининг муо-малага чиқарилишига туртки бўлади.

Қайд этиб ўтамиз, Хитойнинг «UnionPay» тўлов тизими мамлакатнинг етакчи банклари томонидан Хитой Халқ банки кўмагида 2002 йили яратилган. Орадан икки йил ўтиб, компания ХХРдан ташқарида ҳам ишлаш бошлади. Айни пайтга келиб, «UnionPay» карталарига хиз-мат кўрсатувчи тармоқ дунёнинг 135 га яқин мамлакатда фаолият кўрсатмоқда.

«UnionPay» чиқарилган пластик карта-ларининг сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради. 2011 йилда бутун дунёда муомала-да бўлган 6,54 млрд. кредит ва дебет кар-таларининг 45,11 фоизи «UnionPay»га, 35,9 фоизи — «Visa»га ва 16,2 фоизи — «MasterCard» ҳиссасига тўғри келди.

ИСТИКЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

ҲАР СОҲАДА БУНЁДКОРЛИК КАСБ ЭТГАН

< 1

«Ангрен» махсус индустриал зонасида йил охи-ригача «Ўзнефтахсўлот» ва Болгариянинг «Prista Oil Holding» компанияси сармоси иштирокидаги қўшма корхона ишга тушади. Собиқ «Резинотехника» ОАЖ-нинг фойдаланилмай ётган майдонида ташкил эти-лаётган «Uz-Prista Recycling» қўшма корхонасида фойдаланилган техник мойлар қайта ишланади. «Uz-Escortprotest» эса, ишлашиб бўлинган техник мойлар-ни йиғиш, сақлаш ва етказиб бериш билан шуғул-ланади. Янги корхонада 50 киши иш билан таъмин-ланади.

Шунингдек, Обод турмуш йилининг дастлабки чорағида махсус индустриал зонада яна бир завод барпо этилади. Йилгига 5 минг тонна техник крем-ний ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Uz-Shindong Silicon» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасининг умумий қиймати қарийб 10 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Унинг таъсисчилари Ўзбекистон Дав-лат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Кореянинг «Shindong Enercom Inc» компанияси-дир.

— Президенти-миз ташаббуси билан ташкил этил-ган «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳамда бу ерда барпо этилаётган корхоналар аҳоли бандлиги-ни таъминлаш билан бирга шахримиз чиройига чи-рой қўшаётганидан хурсандмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ангрен шаҳар бўлинимаси ра-иси Отабек Аноров. — Худудимиздаги 51 та маҳал-ла фуқаролар йиғинида 170 минг нафардан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Иш билан банд кишилар-нинг аскарияти санаот ривожига муҳим ўрин тут-аётган «Ўзбеккўмир» ва унинг таркибига кирувчи ун-тар корхоналар, Ангрен иссиқлик электр станцияси ва Янги Ангрен иссиқлик электр станциялари, «Са-но-атқалибгозсавдо», «Сангрен тех» қўшма корхона-лари, «Ероститгаз» очик акциядорлик жамияти, «Энер-гоқозонтозалаш», «Ангрен каолин» масъулияти чек-ланган жамиятлари ҳамда «Ангрен» логистика мар-казида меҳнат қилишади. Бу корхоналар ёнига яна қўллаб янги заводларнинг қўшилиётгани ёшларимиз-ни иш билан таъминлашда қўл келаятир. Бундан ташқари, маҳаллаларимизнинг янада ободлигини таъминлаб, гузарларда замонавий хизмат кўрсатиш марказларининг қад ростлашига омил бўлаятир.

Таъкидлаш жоизки, юқоридагилар билан бир қаторда Обод турмуш йилида яна қўллаб янги кор-хона ва заводлар ташкил этиш кўзда тутиляётир. Ўзбекистон Ташки иқтисодий алоқалар ва инвести-циялар вазирилик Кореянинг «Gong Seok» компания-си билан «Ангрен» МИЗ ҳудудда электр хизматлари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ик-тисослашган корхоналарини ташкил этиш бўйича ўзаро англашув меморандумини имзолагани ҳам ана шундан далолат. Худудда махсус солиқ тартиби ва боқжона имтиёзларининг амал қилиши тўғридан-тўғри хорижий сармоя оқимини янада оширади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амал-га оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг ҳаётбахш самараларини бераётир.

Н.АСЛОН.

МАҲАЛЛА — ИСЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

БИР ҚАРИЧ ЕР ҚИШДА ҲАМ БЎШ ҚОЛМАЙДИ



Қуйи Чирчиқ туманида жойлашган Гул кишлоғи дарё бўйи-даги серфайз масканлардан. Кишлоқ ахли соддадил ва меҳ-натшас. Уларнинг тиниб-тинчимаслиги боис маҳаллаларда деҳ-қончилик ва чорвачилик оилавий бизнеснинг самарали тармо-гига айланиб бораётир.

Ҳозир деярли ҳар бир хонадонда боқилаётган қорамолларнинг аскария-ти соғин сигирлар. Бундан ташқари, маҳаллаларда гўшт, туҳум, балиқ маҳ-сулотлари ҳам етиштирилимоқда. Шу би-лан бир қаторда, ҳудудимизда савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғи, умумий овқатланиш, новвойлик, қандалчилик, сартарошлик, тикувчилик сингари касб-корлар изчил ривожланыётди.

Қишлоғимиз миришкорлари томо-рқачиликда ўзига хос мактаб яратган, десак муболоға бўлмайди. Мирсоат Ёдгоров томорқасидан йилгига уч-тўрт марта ҳосил олиб, кўпчиликка ибрат даромад топаётир. Айни пайтда унинг томорқасига кирсангиз, пичан, сомон тўшалган «хонача»ларга қўзингиз туша-ди. Уларнинг остида эрта кўзда экилган саримсоқнинг ниш урган майсалари ям-шани тусда яшнаб кўкариб турибди. У тез-тез маҳалладошлари билан учрашиб, ҳосилдорликка эришиш борасидаги таж-рибаларини ўртоқлашиб келади.

Яна бир гап. Аҳолининг томорқачи-лик маданиятини юксалтириш, бой деҳ-қончилик тахрибаларини оммалашти-риш, чорвачиликни ривожлантириш, ил-гор паррандабоқарлар амалиёти билан танишиш мақсадида «Маҳалла» жамоат фонди Қуйи Чирчиқ тумани бўлинимаси билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, йўл-семуналар ташкил этиб келямиз. Бундай тадбирлар натижасида бугун қишлоғимиздаги ёш оила вакиллари ҳам

муҳим агротехник тадбирлар: яхоб сув таратиш, ерга маҳаллий ўғит тўкиб чу-қур хайдаш, хуллас, заминни «семир-тириш» борасидаги қимматли маълум-отларни олишмоқда.

Гул кишлоғида маҳаллаларни нафа-қат хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига, балки аҳолини ижтимоий ҳимоя қилувчи тизимга айлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратиляётир. Б.Бўриев ҳамда Ю.Аноқулов узок йиллардан бери дард-мандлиги сабабли томорқаларида экин-тикин қилишга қийналишади. Шу боис, ҳудудимиздаги умумтаълим мактаби ва касб-хунар коллежи ўқувчиларидан таш-кил топган мурувват гуруҳлари, маҳал-ла-қўй, қўни-қўшнилар улар ҳолидан доим хабардор: томорқаларини бўш қол-диришмайди, барча юмушларни бемин-нат бажариб беришади. Фуқаролар йи-ғинимиз эса, уларни сара уруғлик кар-тошка билан таъминлаб келаятир.

Чорвачилик — сердаромад тармоқ-лардан. Деярли барча хонадонда қорам-ол парваришланади, сут-қатиқ сероб. Кишлоқ одамларининг бир-бирига меҳр-оқибати бўлакча. Бунини биздаги гўшт улаиш тадбирида кузатиш мум-кин. Гап шундаки, қишлоғимиздаги аънаёнага кўра, ким гўшта боққан мо-лини сўйса, аввало, маҳалла аҳлига тарқатиб чиқади. Маълум муддатга қадр насияга берилгани боис, унинг пули ҳеч кимга муаммо тўғдирмайди. Бу каби хайрли аънаёларни асраш борасида ҳам маҳалланинг таъсирчан кучидан фойдаланиб келаятирмиз.

Худудимизда тадбиркор, ишбилар-монлар сафи кенгайиб борапти. Рай-хоний Давлетова яқинда бир янгилик-ка қўл урди: ўз уйда юмшоқ ўйинчоқ-лар тайёрлашни йўлга қўйди. Асосан, мато қолдиқлари, пахтадан тикилаёт-ган бежирим ва ранг-баранг ўйинчоқ-ларнинг харидорлари талайгина. Шу боис, тадбиркор даромадга эга бўля-пти. У оила аъзоларидан ташқари, «Гул» маҳалласида яшовчи тўрт нафар кол-леж битирувчисини ҳам доимий меҳ-натга жалб қилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу-гун Гул кишлоғида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Кишилар бунёдкорлик, ободонлаштириш, қўқалламзорлашти-ришга эътибор қаратиб, фаровон тур-муш сари интиляяпти. Бу сай-ҳара-катлар Обод турмуш йилида янада жа-дал давом этиб, ўзининг ҳаётбахш са-мараларини намоён этишига ишончи-миз қомил.

Назира САЛОҲИДДИНОВА,
Қуйи Чирчиқ тумани Гул
кишлоқ фуқаролар йиғини
раиси.

да сайт хизматлари тубдан ўзгарди. Энди истаган киши кўрсатувларни ўз компьютерида қўриш имконига эга.

Еттига каналдан ташқари (Yoshlar, «O'zbekiston», «Toshkent», «Sport», «UzHD», «Ma'naviyat va Ma'rifat», «Dunyo Bo'ylab»), тўртта радиостанция — «Yoshlar» (fm 104), «O'zbekiston» (fm 103.1), «Toshkent» (fm 87.9) ва «Sport» (fm 107.8) ҳам онлайн режимда узатилади.

Шунингдек, ҳар бир телеканалнинг видеоархиви мавжуд бўлиб, унда энг қизиқарли «подкастлар» ва эфирга уза-тилган кўрсатувлар тўпланган.

Сайт тузилишининг тубдан ўзгари-ши натижасида видеоқаторлар деярли «тўхтаб» қолмайди, бу телеканалларни реал вақт режимда узлуксиз ва шов-қинсиз софата қилиш имконини бера-ди. Тасвир сифати юқори.

Сайт 3 та тилда ишлади. Унинг мо-биль версияси ҳам мавжуд бўлиб, ҳаф-талиқ теледастурлар ва анонслар бе-риб борилади.

Яқинда сайтда ҳудудий теле ва ра-диоканалларнинг ҳам узатилиши ҳақида хабар қилинмоқда.

Тартиб бузганга жарима қатъий

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига му-вофиқ, ҳайдовчилар бундан буён жарималарни фақат касса-ларга тўлайдилар.

Ушбу Қонун 2013 йил 4 январдан кучга кириши белгиланган эди.

Қонун қабул қилиниши билан, Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс-дан йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга нақд пулда жарима со-лишга оид норма олиб ташланди.

Бунгача, йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчи, агар эътироз билдир-маса, энг кам иш ҳақидан кўп бўлма-ган миқдордаги жаримани жойида нақд пулда тўлашга рухсат этиларди.

Янги тартибга кўра, Йўл-патруль хизмати инспекторлари жаримани энди фақат пиёдалардан нақд пулда олиш-лари мумкин.

Бундан ташқари, эндиликда ЙПХ инспекторлари ҳайдовчилар томони-дан бузилган барча турдаги йўл ҳара-кати қоидабузарликлари юзасидан протокол тузишлари керак бўлади. Бунгача, агар ҳайдовчи қоидабузар-ликка оид фактга эътироз билдирса ёки жойида тўланадиган жарима миқ-дори энг кам иш ҳақидан ошмаса про-токол тузилмас эди.

Шунингдек ушбу қонунга мувофиқ «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги

Кодексга тузатишлар киритилди. Унга кўра, Ўзбекистонда таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлаш та-лаблари бузилганлиги учун жарима санкциялари жорий этилди.

Мазкур қонунга асосан кодексга ки-ритилган тузатишлар ягона таниш бел-гилари билан жиҳозланмаган ёки бел-гиланган талабларга жавоб бермайдиган таксилардан фойдаланилгани учун жарима солишни назарда тутди.

Жарима транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахслар-га, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда солинади.

Ҳужжатга кўра, белгиланган тартиб-да ягона таниш белгилари билан тўлиқ жиҳозланган таксиларнинг ҳайдовчилар-ни маъкур белгилардан атайлаб фой-даланмаса ёки уларга шикаст етганига қарамай йўловчиларни ташиш билан шуғулланса, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдор-да жаримага тортилади.

Феруза ЭГАМОВА

«Mahalla»

ЭТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН — «FAIR PLAY» СОВРИНИ СОҶИБИ

Президентимиз Ислон Каримов томонидан мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи



Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари рекон-

струкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплек-

си мазкур йўналишда изчил давом этирилаётган кенг қўламли ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг жараёнида болалар футболга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида мамлакатимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди етишмоқда. Болалар ва

ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари, футбол мактаблари ва академиялари фаолиятининг замон талабларига мос йўлга қўйилгани бунда муҳим омил бўлаётди. Болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида футболни оммалаштириш ва ривожлантириш ўзбек футболининг халқаро майдондаги оғури ва эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилаётди.

2012 йилги спорт мавсуми ўзбек футболни учун ютуқларга бой бўлди. 16 ёшгача бўлган ўсмирларимиз Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида бош совринни қўлга киритди. 20 ёшгача бўлган терма жамоамиз ҳам қўлга биринчилигида кучли тўртликдан жой олиб, навбатдаги жаҳон чемпионатида тўп сурайдиган бўлди. Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси эса кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. 16 ёшгача бўлган қизларимиз илк маротаба Осиё чемпионатининг финал қисмига йўлланма олди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасида ўз гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.

Футбол дунёдаги энг оммавий спорт турларидан. Бугунги кунда жаҳон миқёсида минглаб

футбол клублари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзининг миллионлаб мухлисига эга. Президентимиз Ислон Каримов «Бунёдкор» стадиони билан танишуви чоғида спортдаги ҳалоллик, томошабинлар маданияти хусусида алоҳида тўхталиб, халқимизнинг гўзал фазилатлари мана шундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак, ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишдан қатъи назар ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари қўтарган масала бугунги кунда 209 мамлакат футбол федерацияларини бирлаштирган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА олдида ҳам долзарб бўлиб турибди. ФИФА томонидан 1987 йилда таъсис этилган «Fair Play» соврини футболда мардлик ва ҳалоллик намуналарини кўрсатиб келаётган жамоаларга, мухлислар ўртасида ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган мутахассисларга берилади.

«Fair Play» очколари беллашувларни ҳалол ўтказиш, чиройли ўйин, рақиб жамоа футболчиларини ва ҳакамларга нисбатан ҳурмат, мухлислар мада-

нияти, футболчиларнинг ўйинда ва майдон ташқирисида ўзини тутиши, қизил ва сариқ карточкалар сони каби қатор тамойиллар бўйича тўпланади. 2012 йилда халқаро учрашувларда қатнашган барча терма жамоаларимиз ва профессионал футбол клубларимиз ҳалол ўйин, ўзбек футбол ишқибозлари эса юксак мухлислик маданияти намунасини кўрсатди.

Бу йил ўшбу совринга Ўзбекистон ва Гватемала футбол федерациялари ҳамда Туркиянинг «Эскишехирспор» жамоаси номзод қилиб кўрсатилган эди.

Мамлакатимиз терма жамоалари ва профессионал футбол клубларининг халқаро майдонларда ҳалол ўйин тамойиллари бўйича энг кўп — 498,84 очко жамғаргани инобатдан олинган ҳолда ўшбу нуфузли соврин Ўзбекистон футбол федерациясига топширилди.

Бу — мамлакатимизда ёш авлодни аждодларимизга хос мардлик ва ҳалоллик, бағрикенглик, дўстлик, ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган изчил ишларнинг амалдаги яна бир юксак самараси, халқаро миқёсдаги кенг эътирофидир.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Офатлар келтирган зарар

2012 йилда сув тошқинлари, бўронлар ва қурғоқчилик каби табиий офатлар 9,5 минг кишининг ёстигини қуритди. Улар оқибатида 122 миллиард евро зарар кўрилди.



Бу рақамлар суғурта бозори етакчиларидан саналувчи Германиянинг «Мюнхен Ре» («Munich Re AG») компанияси ҳисоботида келтирилган. Утган йили, айниқса, АҚШда табиий офатлар кўп қузилди. Биргина «Сэнди» довули Нью-Йорк, Нью-Жерси ва Коннектикут штатларида минглаб одамларни бошланасиз қолдириб, мамлакат иқтисодиётига 38 миллиард евро миқдориди

зарар етказди. Филиппинда юз берган «Бофа» тўғони оқибатида эса, мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди, 65,5 минг уй вайронга айланди. Яқунланган йилдаги табиий офатларнинг зарари 2011 йилдагидан камроқ бўлди. Зеро, ўша йили Японияда руй берган кучли зилзила мамлакатнинг қатор префектураларини цунами остида қолдирган эди. Ана шу офат 2011 йилда ҳалок бўлган 27,2 минг киши ва қўрилган 300 миллиард евро қийматидаги зарарнинг асосини ташкил қилганди. Хисоботда таъкидланишича, 2012 йилда ривожланаётган мамлакатларда йирик табиий офатлар ҳам қузилган. Акс ҳолда ҳалокат қўлами бундан-да улкан бўлиши мумкин эди.

БАРДАВОМ ҚАДРИЯТЛАР

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС АНЪАНА



Тонг сахар уйғонган Шокир ака ҳамма ёқнинг оппоқ қор билан қопланганини кўриб, қувониб кетди. Ахир бу қут-барака, тўкинлик дегани, қолаверса, қор кишининг зийнати.

Бирок қор ёғса йўллар сирпанчқ бўлади, дарҳол курама-сангиз, тойиб йиқилиш ҳеч гап эмас. Шокир ака шуларни ўйлаб ҳовлидаги қорларни чаққонлик билан кураб ташлади. У илдам ҳаракатланиб, кўчага отланди, қорга бурканган йўлни очаркан, ўз ишидан қувониб, тобора гайрати жўшарди. Қарангки, бир зумда унга ўхшаб кўчанинг қорини кураётганлар тўрт-беш нафарга кўпайди. Шу йўсин катта йўлга туташган 300 метрли кўча қордан тозаланиб, йўловчилар ҳавфсизлиги таъминланди.

— Маҳалланинг ибрат мактаби, қадриятлар бешиги эканлиги, ана шундай вазиятларда намоён бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Хатирчи туманидаги «Оқ олтин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдусамат Қаршиев. — Катталарнинг бундай савобли хатти-ҳаракатини кўрган ёшлар ўзлари учун сабоқ олишди. Бугун ўғил-қизларимизни менталитетимизга хос, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифамиз. Чунки глобаллашув жараёнида аждодларимиздан мерос қадриятларимиз фарздларимизни ҳар қандай ёт ғоялардан, «оммавий маданият» таъсиридан асрашда муҳим омилдир.

Дарҳақиқат, азалдан чинакам қадриятлар максани бўлган маҳалла ўзаро меҳр-оқибат,

аҳиллигу товушлик, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирнинг бошини силаш, тўй-томоша, хашар ва маъракаларни бамаслаҳат, ҳамжихатликда ўтказиш, яхши-ёмон кунда елкадош бўлишдек ўлмас анъаналаримиз бардавонлигини таъминлаб келаётган кўрғондир. Унда катталарга ҳурмат, қадриятларга иззат кўрсатиш, меҳр-оқибат, хайр-саховат каби фазилатлар доимо устувор.

— Маҳалламизда якка-ёғлизи, ногирон инсонлар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан мунтазам хабар олиб турувчи ўсмирлар гуруҳи тузилган. Бу болаларнинг бўш вақти фойдали ўтишини таъминлаш билан бирга, уларни савоб ишлар қилишга ўргатади. Қувонарлики, маҳалла фаоллари ташаббуси билан тузилган бу гуруҳга аъзо бўлишни истовчилар сафи тобора кенгаймоқда, ота-оналар, буви-боболар ўзлари тарбия қилаётган ўғил-қизларини шу гуруҳга бошлаб келишяпти.

Худудда бўлганимизда қишлоқ ёшларининг одоб-ахлоқи, ибод-ҳаёли, кийиниши ва юриш-туришида ҳам қадриятларимизга хослик муҳассамлигини кўриб қувондик.

— «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига биноан «Ота-оналар университети»ни ташкил этганимиз, — дея суҳбатимизни давом эттиради оқсоқол.

Холбиби САҒАРОВА «Mahalla»

ТАШАББУС

Таътил завқли ва мазмунли ўтмоқда



Миллий кутубхонада қишки таътил кунларида болаларга бағишланган турли мультфильмлар ва бадий фильмларнинг бепул намойиши йўлга қўйилди.

Миллий кутубхона кинозал маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп видео матери-

римиз ва урф-одатларимиз, тарихий-маънавий ва маданий меросни асраб-авайлашга даъват этувчи тасвирлар ҳамда ёшларнинг маънавий етук инсон бўлиб етиштишларидаги асосий омиллар акс этган. Шунингдек, воқеалар ва қаҳрамонларнинг ижобий ҳамда салбий тимсоллари орқали инсон ҳаётига таҳдид солувчи ва ёмон оқибатларни келтириб чиқарувчи иллатларнинг олдини олишга қаратилган аниқ мақсад томошабинга юксак маҳорат билан етказилган. Кинозал репертуарлари видео материалларнинг мазмун-моҳияти ва соҳаларини ҳисобга олган ҳолда бўлимларга бўлинган.

Эндиликда кўпсонли томошабинларнинг талаб ва тақлифларини ўрганган ҳолда, ёшлар маънавий дунёқараши-ни янада бойитиш ҳамда дунёда глобал муаммога айланган гиёҳвандлик, одам савдоси, дин никоҳи остидаги ҳаракатлар ва ватан ҳоинлиги каби муаммолар талқин этилган «Огоҳликка даъват» видео материаллар бўлими ҳам ташкил қилинди.

Кутубхона сайти берган маълумотга кўра, фильмлар дам олиш кунларидан ташқари, ҳар кун соат 11:00 дан 16:00 гача ўзбек, рус, инглиз тилларида намойиш этилади.

ТУРФА ОЛАМ

«Мен сени абадий севаман...»

Хитойда 2013 йил 4 январь кунини ўз никоҳларини расмийлаштирмоқчи бўлган ёшлар сони кескин ошиб кетди.

Гап шундаки, 13.1.4. санаси хитой тилида «Мен сени абадий севаман» (ай ни и шэн и ши) иборасига мос тарзда янграйди. Шу боис, аксарият хитойлик ёшлар айнаш шу кунини ўз муносабатларини расмийлаштиришга қарор қилдилар.

Совуқ бўлишига қарамай, никоҳни қайд этувчи муассасалар эшиги олдида узундан-узоқ навбатда турганларни кўриш мумкин эди. Пойтахт Пекининг ўзида 10 мингга яқин жуфт никоҳдан ўтишни режалаштирган. Шу кун мамлакатдаги аксарият ресторанларда никоҳ банкетлари ўтказилди.

Шунга ўхшаш ҳолат ўтган йилнинг 12 декабрь кунини ҳам қузилганлиги. Хитойда бир хил сонлардан иборат 12.12.12 каби саналар омад келтиради, дея ҳисобланади. Никоҳдан ўтишни истовчилар сони кўп бўлгани учун ўша кун «Бахт уйлари»га қўшимча ходимларни ҳам ишга қақаришга тўғри келган.

4 январь кунини ҳам мамлакат бўйлаб фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш



идораларига ёшлар оқиб кела бошлаган. Хитойда сонлар маъносига катта эътибор қаратилади. Масалан, «фавороник» маъносини берувчи 8 сони ўта муҳим ҳисобланади. Пекин Олимпиадаси ҳам 2008 йилнинг 8 август кунини бошланганлиги. Ўша кун ҳам мамлакат бўйлаб никоҳлар сони ошгани қузилган. Мамлакатда тарихийда 8 сони бўлган телефон ва машина рақамлари нархлари жуда қиммат.

«Яшил қитъа» ёнғинлар исканжасида

Австралиялик полициячилар Тасманиянинг 100 нафар фуқаросини қидириш билан шуғулланишмоқда. Уларнинг тақдирини оғирлашга келган кучли ўрмон ёнғинлари оқибатида ноаён қолмоқда. Бу ҳақда яшанба кун Британиянинг «Би-Би-Си» корпорацияси хабар берган.



Дунёнинг қатор минтақаларида қишлар совуқдан азият чекаётган бир пайтда оғирлашган 40 га яқин ёнғин аланга олиб, бешта аҳоли пунктига ўз таъсирини кўрсатди. Алангада юздан ортиқ турар-жойлар, электр ўзатадиган устулар ёниб кетди. Оғирдан 3 мингга яқин фуқаро эвакуация қилинди. Тасмания маҳаллий полиция комиссари Скотт Тиллърднинг маълумот беришича, йўқолган одамларни

«табиий офатдан зарар кўрган» деб аниқ айтиб бўлмайди. Аммо алоқа ўрнатилмагунча уларнинг тақдирини номаълум бўлиб қолаверади. Тасмания жануби-шарқидagi ўрмон ёнғинлари мисли кўрилмаган иссиқ ҳарорат оқибатида юзга келган: жума кунини бу ердаги ҳаво ҳарорати 41,8 °C га етган. Бу эса 1883 йилдан бери юзга келган рекорд даражадир. Айнаш шу йилдан эътиборан Австралияда метеокузатув ишлари бошланган. Қитъада ёнғинлар аланга олишда давом этмоқда. Бундай табиий офат Жанубий Австралия, Виктория, Янги Жанубий Уэльс ва Квинсленд штатларида рўйхатга олинган. Синоптикаларнинг хабарларига қараганда, иссиқ ҳарорат кейинги ҳафтанинг ўрталаригача сақланиб туради.

114 ёшида вафот этди

Жанубий Каролина штатининг касалхоналаридан бирида АҚШнинг энг кекса фуқароси Мэйми Ризерден 114 ёшида вафот этди.

Ўз ҳаёти давомида Ризерден 11 нафар фарзандни дунёга келтирди ва ўғлаб неварани, чевараларни тарбиялади. Шу билан бирга, у асосий вақтини жамоат ишларида, яъни мактабга қатнаш қобилиятидан маҳрум болаларга ёрдам беришга бағишлади. Яқин қаридошларининг айтишича, у юқори мансаб эгаси бўлмаган эса-да, ўз умрини жуда сермазмун ўтказиб, катта ва аҳил оила барпо эта олган. «Биз у билан фахрланамиз», дейди қизи Сара.

унинг ўлимига жиддий жараҳатланишдан ортирилган кучли руҳий зуриқиш сабаб бўлган. Бир неча ҳафта олдин у йиқилиб, тос суяги бўйинчасини синдириб олганди.

«Associated Press» хабарига айтилишича, Мэйми Ризерден коинотнинг энг кекса кишиси бўлмаган. Расмий маълумотларга кўра, энг кекса одам — япониялик Дэироно Кимура жорий йилда 116 ёшини қарши олади.

Ф.ЭГАМОВА «Mahalla»

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МЧЖ томонидан 2012 йил 13 ва 20 декабрь кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзэксспомарказ» ОАЖ МКК балансидаги 1993 йилда ишлаб чиқарилган «ТМЗ-400/10У2» русумли 2 та трансформатор техникалари ҳар бири 7 300 000 сўмга ҳамда «ТЕХНОЛОГ-СТАН» ШК балансидаги д/р 10АВ856 бўлган «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси 1 300 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Маҳалла ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-39-89

